



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 21 январь, № 14 (8909) Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАБЛАҒЛАРНИНГ МАҚСАДЛИ ИШЛАТИЛИШИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 20 январь куни Ҳисоб палатаси томонидан 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги асосий вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва дастурлар самардорлигида молиявий назорат муҳим. Сўнгги йилларда Ҳисоб палатасининг иш услуби ўзгартирилиб, ҳудудларда бюджет интизомига кўмак берувчи ҳамкор идорага айлантирилди. Олдинги текширув тизими ўрнига халқаро стандартлар асосида аудит тизими жорий қилинди. Жаҳон банкининг "Ташқи аудит индикатори"да Ўзбекистон "яхши" даражага кўтарилди.

2024 йил 10 июлда Ўзбекистон Президентининг "Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда вазирлик ва давлат идораларида ички аудит тизимини такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш, консолидациялашган бюджет ижросини ташқи

аудитдан ўтказиш каби вазифалар белгиланди.

Рақамли трансформация жараёни амалга оширилмоқда. "Масофавий аудит" автоматлаштирилган ахборот тизими жорий қилиниб, унга 34 та вазирлик ва идора боғланди.

2024 йилда Ҳисоб палатаси янги манбалар ҳисобидан 3,7 триллион сўм бюджетга қўшимча тушумларни таъминлади. Вазирлик ва идораларнинг 9,2 триллион сўмлик самарасиз харажатлари мақбуллаштирилди, 2,3 триллион сўмлик молиявий камчиликларнинг олди олинди. Давлат харидларига оид 4,5 триллион сўмлик камчиликлар бартараф этилди.

Бундай амалга оширилаётган тизимли ишларни жорий йилда ҳам изчил давом эттириш зарур.

Жумладан, "Масофавий аудит" автоматлаштирилган ахборот тизимига 110 та вазирлик ва идоранинг

маълумотлар базаси интеграция қилинади. Бу орқали жорий йилда 480 триллион сўмлик бюджет харажатлари мониторинги тўлиқ қамраб олинади.

Бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, молиявий ва бошқа хавфларнинг олдини олиш доимий вазифа ҳисобланади. Давлат улуши бор корхоналарнинг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш ҳам муҳим.

Жорий йилда бюджетга 309 триллион сўм даромадлар тушишини таъминлаш чоралари кўрилади. Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларни халқаро стандартлар асосида аудитдан ўтказиш амалиёти бошланади.

Президент барча давлат идораларида молиявий интизом ва тежамкорликка қатъий амал қилиниши зарурлигини таъкидлади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва хизматлар сифатини оширишга доир тақлифлар тақдимоти билан танишди.

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида шифохоналар замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. Бунинг учун бюджетдан ҳар йили камида 100 миллиард сўм ажратилапти. Шунингдек, ўтган йилнинг ўзига тиббиётни юқори технологик ускуналар билан таъминлаш учун 200 миллион доллар хорижий инвестиция, 94 миллион доллар грант жалб қилинди.

Натижада олдин фақат республика муассасаларида бўлган компьютер томографи, магнит резонансли томограф, ангиографлар ҳозир вилоятларда, ўнлаб туманларда ҳам бор. Бу иxtисослашган хизмат аҳолига янада яқинлашди, дегани.

Жорий йил ушбу мақсадларга давлат ҳисобидан 200 миллиард сўм ажратилган. Шунингдек, тиббиётга 370 миллион доллар хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланган.

Тақдимотда тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш бўйича режалар баён этилди. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг 100 миллион доллар маблағи эвазига республикадаги 230 та туғуруқ муассасаси учун 45 турдаги 21 мингта тиббий ускуна ва 6 та реанимобиль харид қилинади.

Германиянинг "KfW" банкининг 30 миллион евро маблағи ҳисоби-га Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги 19 тадан тиббиёт муассасаси юрак-қон томир касалликларини даволовчи 862 та ускуна билан жиҳозланади. Яна шу банкининг 13,5 миллион евро гранти орқали Термиз шаҳрида ўқув маркази, талабалар тураржойи қурилади. Бу марказ замонавий ўқув-симуляция ва ах-

борот технологиялари билан жиҳозланади.

Давлатимиз раҳбари жиҳозлаш бу масаланинг фақат бир қисми экани, уларда ишлаб оладиган малакали мутахассисларни ҳозирдан тайёрлаш кераклигини таъкидлади. Тегишли муассасалардаги шифокор ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш вазифаси қўйилди.

Ускуналардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим. Масалан, вилоятларда ангиографлар юкломаси ўртача 34 фоз. Томограф бўйича ҳолат ҳам ҳар хил.

Шу боис ҳокимликлар билан бирга давлат шифохоналаридаги юқори технологик ускуналардан самарали фойдаланиш бўйича аутсорсинг ва хусусий шериклик лойиҳалари йўлга қўйилиши белгиланди.

Ў.А.

Олий Мажлис Сенатида

УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИС ЧАҚИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Сенатнинг учинчи ялпи мажлисини 2025 йил 23 январь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор қонунларни муҳокама қилиш назарда тутилган. "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида", "Озик-овқат хавфсизлиги тўғрисида", "Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" ҳамда "Банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар шулар ҳумласидан.

Ялпи мажлисда "Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ҳамда "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонунлар ҳам муҳокама қилинади.

Сенаторлар жонли ижро саноатини янада ривожлантириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилак-

каси тизимини такомиллаштириш, шахсинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонунларни кўриб чиқишни режалаштирмоқда.

"Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсири баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида"ги қонунлар ялпи мажлис кун тартибидан ўрин олган.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Душанбе, 2024 йил 18 апрель) ратификация қилиш ҳақида", "Иссиқхона газларининг чиқарилишини чеклаш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилади.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

АҲОЛИ МАНФААТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА АКС ЭТТИРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Қонун лойиҳаларининг ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта тайёрлини унинг халқчиллигини кафолатлаш баробарида ҳаётга татбиқ этилишини самарали таъминлашга хизмат қилади. Шу боис қуйи палатага келиб тушган ҳужжатларни дастлабки тарзда кўриб чиқишда депутатлар катта масъулият билан ёндашади. Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар ҳам жиддий муҳокамалардан ўтказилди. Уларда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаёнинг тақлифига биноан 13 — 15 январь кунлари БААга расмий ташрифининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилди.



Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида ушбу ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар янги босқичга чиқишига, икки давлатнинг иқтисодий, энергетика, инвестиция ва маданий-гуманитар каби асосий ҳамкорлик йўналишларидаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда Президентимиз раислигида 16 январь куни инвестицияларни кенг жалб этиш ва экспорт ҳажминини ошириш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги асосий вазифалар муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишининг моҳияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Ақтам Ҳайтов

йиғилишда белгилаб берилган вазифалар ҳақида тўхталар экан, инвестиция — бу иқтисодий драйвери экани, у билан бирга ҳудудлар янги технологиялар, юксак малакали мутахассислар кириб келиши, тадбиркорлик жадал ривожланиши ва иш ўринлари яратилишини таъкидлади.

Шундан сўнг депутатлар кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича ўз тақлифларини билдирди. Хусусан, депутат Жасурбек Шодиев лойиҳанинг зарурати ва аҳамиятига тўхталиб, ундаги айрим нормалар бўйича фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши кредиторларнинг гаров мулкига нисбатан ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, мажбуриятни гаровдаги мол-мулк ҳисобидан ундириш жараёнларини соддалаштириш ҳамда кредит ташкилотларининг кредит портфелидаги муаммоли активлар улушининг камайишига хизмат қилиши қайд этилди.

БМТ Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлашдаги интилишларини қўллаб-қувватлайди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мутлақо янги даражага кўтарилди. Биргалиқда 150 га яқин дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар орасида экологияни асраш, иқлим ўзгаришига қарши кураш, сув ресурсларини тежаш мавзулари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда энергетика манбаларини диверсификация қилиш, улардаги углеводород улушини кескин камайитириш — иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти. Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган "яшил ривожланиш" моделига ўтишди. Шу маънода, 2025 йилнинг Ўзбекистонда "Атроф-муҳитни асраш ва яшил" иқтисодий йили деб эълон қилиниши бежиз эмас.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистонда БМТ билан биргалиқда глобал кун тартибига оид, жумладан, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, туризмни ривожлантириш, камбағалликка ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалалари бўйича йirik халқаро тадбирлар ўтказилаётир. Хусусан, 2023 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатлари вакиллари ҳамда нуфузли халқаро



ташкилотлар раҳбарлари иштирокида БМТнинг Чўлланиш бўйича конвенциясини амалга ошириш қўмитасининг 21-сессияси уюштирилди.

Мушоҳада

БИЛИМ ОЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ БАРЧА УЧУН ТЕНГ

2025 йил давлат дастури бўйича Президент Фармони лойиҳасида 5 та устувор йўналишга оид амалий чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиб, кенг жамоатчилик ва экспертлар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Оддий фуқаро ва зиёлилар, ўрта бўғин раҳбарларидан тортиб давлат арбобларигача ушбу дастурий ҳужжат мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўз муносабатларини, тақлиф ва ташаббусларини билдираётгани халқимизнинг амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ эмаслиги, мамлакат тақдири учун дахлдорлик туйғуси тобора устувор бўлиб бораётганини аниқлади.

Жумладан, Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш борасида тизимли

ишлар амалга оширилмоқда. Ногиронлиги бўлган ўқувчиларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ижтимоий мослашувиغا кўмаклашиш борасида кейинги йилларда бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди.

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ ЎЗБЕКИСТОНДА УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Факт ва рақамлар

Мамлакатимизда иқтисодийнинг энергетикага бўлган талабини тўлиқ қондириш мақсадида «яшил» қувватлар жадал ривожлантириляпти. Жумладан:

- ўтган беш йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинди ва 9,6 гигаваатт замонавий энергия қувватлари фойдаланишга топширилди;
- хусусан, 3,5 гигаваатт 14 та қуёш, шамол электр станциялари ва 300 мегаватт 2 та сақлаш тизими ишга туширилди.

Ҳозирда хорижий ҳамкорлар билан қиймати 26 миллиард доллардан зиёд ва умумий қуввати 24 гигаваатт бўлган 50 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатимизда қатта тикланувчи энергия улушини 54 фозга етказиш кўзда тутилган.



Давлат дастури лойиҳаси — муҳокамада

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ КАФОЛАТИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳаси Президентимизнинг Олий Мажлис палаталаридаги нутқлари ҳамда халқимизга йўллаган Янги йил табригида ақс этган гоё ва таклифлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган. Унда мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга оид муҳим мақсад ва чора-тадбирлар белгиланган.

Маълумки, глобаллашув жараёнида йирик шаҳарларнинг урбанизация даражаси замонавий талабларга мутолақ жавоб беради. Урбанизация жараёнининг ижобий аҳамиятга эки салбий тенденцияга эга бўлиши унинг давлат томонидан тартибга солинишига узвий боғлиқ.

Дастур лойиҳасидаги шаҳарларимиз урбанизация жараёнидаги оптимизацияси билан боғлиқ 3 та тадбирга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, бугун Тошкент, Нукус ва вилоятлар марказлари ҳудудларида 200 га яқин экологик хавфли объектлар фаолият юритмоқда ва уларнинг аксарияти энергетика, қора-металлургия, асбест-шифер, ойна ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда тери-кўнчилик ва паррандачилик корхоналари ҳисобланади. Мавжуд 35 та цемент заводининг 6 таси, шунингдек, 100 га яқин тери-кўнчилик ва паррандачилик корхоналари йирик шаҳарлар ҳудудига жойлашгани бу борада тезкор натижаларга эришишни тақозо этади.

Ушбу ҳолатлар инобатга олиниб, лойиҳанинг тегишли бандида экологик хавфли корхоналар фаолияти бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишни тақиқлаш ҳамда фаолият юритиб келаётган энергия сигими юқори бўлган экологик хавфли объектларни мазкур шаҳарлардан босқичма-босқич кўчириш механизмини жорий этиш белгиланмоқда.

Яна бир муҳим масала. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки МДҲ мамлакатлари орасида аҳолиси тез кўпайиб бораётган давлатлардан бири саналади. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар аҳолисининг уй-жойга бўлган талабини қондириш баробарида, кўп қаватли тураржоларда ер ости ва ер усти автомобиль тураргоҳлари назарда тутилишини ҳамда ёмғир ва техник сувлардан суғоришда фойдаланиш тизимларини ташкил этишни тақозо қилади.

Яқин йилларда мегаполис шаҳарларнинг яна 2 тага кўпайиши, 300 минглик шаҳарлар сони 30 тага яқинлашиши кутилаётгани эътиборга моликдир. Юртимизда автомобилсизлик саноати ва улар импортининг кескин ўсиши натижасида аҳолининг шахсий транспорт воситалари салкам 5 миллионга етмоқда. Аксарият кўп қаватли уйларда автотураргоҳларнинг мавжуд эмаслиги кўчаларда тирбандликларни келтириб, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига сабаб бўляпти. Боз устига, шаҳарларда мавжуд ёмғир ва дренаж сувларида санарали фойдаланиш механизми

жорий этилмаган. Ваҳоланки, ушбу манбалардаги сувларни йиғиш орқали техник ва дов-даракларни суғориш учун сарфланганидан ичимлик сувини иқтисод қилиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, дастур лойиҳасининг тегишли бандида шаҳарсозлик ҳужжатларида ушбу тадбирларни, яъни автотураргоҳларни қуриш ҳамда суғориш тизимида ёмғир ва техник сувлардан тизимли фойдаланишни мажбурий қилиб белгилаш назарда тутилган айрим масалаларни ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Аёнки, мамлакатимиз Париж келишуви мажбуриятлари юзасидан “иссиқхона газлари”ни 2010 йилдагига нисбатан ялпи ички маҳсулот бирлиги ҳисобига 35 фоизга қисқартириш мажбуриятини олган. Бу борада Экология, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига янги ваколатлар, яъни давлат органларининг углерод нейтраллигига эришиш, “яшил” лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган “яшиллик дастури”ни вазирлик билан келишиш ваколати берилмоқда.

Жорий йилдан бошлаб эса ҳар йили давлат органлари ва ижтимоий объектларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва “яшил” технологияларни жорий қилиш бўйича экологик рейтингни юритиб борилади. Дастур лойиҳасига киритилаётган бу янгилликлар шаҳарларимизнинг экологик барқарорлигини таъминлаш баробарида, фуқароларимизга янги тахирдаги Конституцияда белгиланган қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлашга имкон беради.

Ушбу дастурий ҳужжатда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 200 миллион туп манзарали ва мевали дарахт ҳамда бутта кўчатлари ва қаламчаларини экиш, республикада яшил боғлар барпо этиш, шаҳарларни тўлиқ “яшил белбоғ”лар билан қамраб олиш, ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 миллион гектарга етказишдек вазифалар ҳам ўрин олгани қувонарлидир. Зотан, буларнинг барчаси аҳолининг қулай табиий муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратида, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олади.

Кенг жамоатчилик томонидан берилётган таклиф ва мулоҳазалар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашдек барқарор тараққиёт кафолати бўлган мазкур ҳужжатнинг халқчил ва мукамил чиқишига хизмат қилади. Шундай экан, кенг жамоатчилик, хусусан, биз, депутатлар дастур лойиҳасини янада такомиллаштиришда фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқ.

Моҳира ХҲЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БМТ Ўзбекистоннинг экологик барқарорликни таъминлашдаги интилишларини қўллаб-қувватлайди

1 Эки 2023 йилнинг сентябрида ўтказилган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияни ёдга олайлик. Аграр тармоқни ривожлантиришдаги номутоносивликлар, сув ресурсларининг танқислиги, кўшимча қиймат яратишнинг узун ва самарасиз занжирлари, логистикадаги узилтишлар ва бошқалар барқарор ривожланиш учун асосий хатлар анжуманида қизгин муҳокама этилди. Ўзбекистон ва ФАО ўртасида 2030 йилга қадар мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурига қишлоқ хўжалигини илмий тадқиқотлар ва инновациялар асосида модернизация қилиш, аграр соҳани рақамлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан воситаларини амалга ошириш ва агроозик-овқат тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича қўшма тадбирларни киритишга келишиб олинди.

Ўзбекистон барқарор тараққиёт соҳасида БМТнинг 2030 йилгача глобал кун тартибига киритилган муҳим масалалар, яъни бутун инсоният ҳаёти ва фаровонлиги даражасини юксалтириш, дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилаш орқали адолатли ва барқарор жамият қуриш бўйича кенг қўламли ислохотларни ундаш, сезиларли натижаларга эришмоқда. БМТнинг 2030 йилгача кун тартибига бўлган масалалар ижроси йўлида ҳукумат томонидан 2030 йилгача даврни қамраб олган барқарор тараққиёт соҳаси-

даги миллий мақсад ҳамда вазифалар қабул қилинди, 16 миллий мақсад ва 125 вазифа тасдиқланди.

Энг асосийси, экологияни асраш ва “яшил” энергияни ривожлантириш масалаларига бефарқ бўлмаган расмий Тошкент билан БМТ биргаликда сувдан оқилона фойдаланиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва экологик таҳдидларга қарши курашиш, жумладан, Оролбўйи муаммоларини ҳал этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, минтақага инновацион технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” тамойилларини татбиқ этиш каби соҳаларда фикр алмашиш майдонини кенгайтирди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон ҳукумати кейинги йилларда иқлим ўзгаришига қарши курашда фаол, ўзининг жўяли таклиф ва ташаббуслари билан ажралиб турибди. Вазирликлар ҳам амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берибгина қолмай, аниқ муаммолар ва уларнинг ечимини бўйича жамиятга ўз таклифларини берапти. Бу БМТ учун ҳам муҳим. Чунки халқаро ҳамжамият ҳам дунёда иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитни асраш тарғиботи билан шуғулланади. Биз Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсий иродасидан хурсандимиз.

Айниқса, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳасидаги устувор вази-

фалар, йўналишлар бизни қувонтиради. Унда атроф-муҳитни асраш, экологик вазиятни яхшилаш, “яшил” энергияни ривожлантириш масалаларига кенг ўрин берилган. Уйлаймики, бу кенг қамровли дастур Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги интилишларининг тасдиғидир. Бу орқали Ўзбекистон БМТнинг 2030 йилгача глобал кун тартибига киритилган муҳим масалалар, яъни бутун инсоният ҳаёти ва фаровонлиги даражасини кўтариш, дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилаш орқали адолатли ва барқарор жамият қуриш бўйича кенг қўламли ислохотларни амалга ошириб, сезиларли натижаларга эришмоқда. Биз Ўзбекистон ҳукуматида давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида қўмақ-лашмоқчимиз.

Мамлакатингизда БМТнинг 25 та турли хил агентлиги ва идораси фаолият кўрсатмоқда. Ана шу муассасаларнинг ихтисосликларидан келиб чиқиб, ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бораёмиз. Масалан, сув ресурсларини тежаш, сувдан унумли фойдаланиш, экотизимни яхшилаш, энергия самарадорлигини кўтариш, Оролбўйида яшаётган одамларга ижтимоий қўмақ кўрсатиш шулар жумласидандир.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда дунёда кескин экологик вазият кузатилаётган. Ана шундай мураккаб шароитда Орол денгизи фожиасига қарши курашни да-

вом эттираётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдига энг заиф минтақалардан бирига айланмоқда. Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида улкан майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо қилинди. Аммо фожиа кўлами шу қадар кенги, уни камайтиришга битта давлатнинг имкониятлари етмайди. Бу саъй-ҳаракатларни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим.

Бугун замоннинг яна бир орғилки масаласи — глобал иқлимда сув танқислиги хавфидир. Кейинги 30 йилда Марказий Осиёда ҳаво ҳарорати бирмунча кўтарилди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йилгача йилда минтақадаги иккита йирик дарё — Амударё ва Сирдарё

оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминлаш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда. Музликларнинг эриши, табиий офатлар, шунингдек, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва саноатлашув натижасида юзага келаётган техноген омилар тўғрисида минтақада сув ва экология билан боғлиқ вазият ёмонлашиб бораётгани хавотир уйғотмай қолмайди. Биздаги маълумотларга кўра, ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилгига миллиардлаб маблаг йўқотишмоқда. Бу охир-оқибатда озиқ-овқат бўҳрони келтириб чиқариши мумкин. Агар ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаса, ушбу муаммолар оқибатлари минтақадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказиши.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозимини таъсис этилишини қўллаб-қувватлашни билдиргани. Чунки Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — сув ресурслари” механизминини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш муҳим вазифа. Умуман олганда, Ўзбекистон Президентининг бошқа мавзулар қатори экологияга оид ташаббуслари рўёби, албатта, мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш каби стратегик мақсадлар рўёбига хизмат қилишига шубҳа йўқ. Биз бу борада Ўзбекистон билан ҳамкорда иш бажарамиз.

Сабино МАХЛ,
БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси.

БИЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ БАРЧА УЧУН ТЕНГ

1 Янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Таълим тўғрисида”ги Қонунга инклюзив таълим шакли киритилди. Бундан ташқари, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ Ўзбекистоннинг инклюзив таълим соҳасидаги ислохотларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

“Инклюзив таълим” инглиз тилидан олинган бўлиб, уйғунлаштириш, қамраб олиш маъносини билдиради. Бу алоҳида таълимга муҳтож болалар ва ўсмирларнинг ривожланишидаги нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъи назар, оиланинг фаол иштирокида ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва таълим тизимига тўлиқ қамраб олишни ифода қилади.

Инклюзив таълимда ногиронлиги бўлган ўқувчи ёшларнинг шахсияти ва жисмоний имкониятидан қатъи назар, уларга махсус шароитлар асосида ўқув жараёнлари яратилади.

Инклюзив таълим мамлакатимизда алоҳида эътиборга муҳтож бўлган ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъи назар, ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган ўқув жараёнларига жалб қилишни ифода қилади. “Ногирон боланинг алоҳида эътиборларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим”. Шу асосда 2002 йилда Буюк Британиянинг “Болаларни қутқаринг” (“Save the children”) жамғармаси томонидан “Мактаблар ҳамма учун” деб номланган ўқув қўлланмаси нашр этилди.

190 дан зиёд мамлакатлар томонидан кўнгилли тарзда ратификация қилинган конвенция асосида махсус ёрдамга муҳтож болаларга тўлиқ имкониятлар яратиш ҳамда ижтимоий мослаштиришни тўлалигича йўлга қўйиш мақсадида уларга умумтаълим мактабларида таълим бериш илмий ва амалий давлат сибсати режасига киритилди. Натижада 1990 йилда Таиландда бўлиб ўтган халқаро конференцияда “Таълим ҳамма учун” умумжаҳон декларацияси қабул қилинди.

Мамлакатимизда ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг нафар фуқаро ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки болалари қаровида эканлиги ҳисобга олиниб, жорий йил бошидан уларнинг 19 минг нафарига уйда ва 4 минг нафарига кундузги қатнов асосида қараш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Бу тажриба аввал Тошкент шаҳрида, йил якунига қадар эса вилоятларда йўлга қўйилди. Бундай хизматларни ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган хусусий секторга оила харажатининг 80 фоизини давлат тўлайди.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи экани алоҳида эътироф этилган бўлиб, бу, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган, яъни махсус эътиборли инсонларга ҳам тегишли ҳисобланади. 1975 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция алоҳида эътиборли болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолат қилади. Конвенциянинг 23-бандида шундай дейилади: “Ногирон боланинг алоҳида эътиборларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим”. Шу асосда 2002 йилда Буюк Британиянинг “Болаларни қутқаринг” (“Save the children”) жамғармаси томонидан “Мактаблар ҳамма учун” деб номланган ўқув қўлланмаси нашр этилди.

манд биттадан бочада инклюзив таълим гуруҳи очилади.

Мамлакатимизда ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг нафар фуқаро ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки болалари қаровида эканлиги ҳисобга олиниб, жорий йил бошидан уларнинг 19 минг нафарига уйда ва 4 минг нафарига кундузги қатнов асосида қараш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Бу тажриба аввал Тошкент шаҳрида, йил якунига қадар эса вилоятларда йўлга қўйилди. Бундай хизматларни ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган хусусий секторга оила харажатининг 80 фоизини давлат тўлайди.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи экани алоҳида эътироф этилган бўлиб, бу, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган, яъни махсус эътиборли инсонларга ҳам тегишли ҳисобланади. 1975 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция алоҳида эътиборли болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолат қилади. Конвенциянинг 23-бандида шундай дейилади: “Ногирон боланинг алоҳида эътиборларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим”. Шу асосда 2002 йилда Буюк Британиянинг “Болаларни қутқаринг” (“Save the children”) жамғармаси томонидан “Мактаблар ҳамма учун” деб номланган ўқув қўлланмаси нашр этилди.

190 дан зиёд мамлакатлар томонидан кўнгилли тарзда ратификация қилинган конвенция асосида махсус ёрдамга муҳтож болаларга тўлиқ имкониятлар яратиш ҳамда ижтимоий мослаштиришни тўлалигича йўлга қўйиш мақсадида уларга умумтаълим мактабларида таълим бериш илмий ва амалий давлат сибсати режасига киритилди. Натижада 1990 йилда Таиландда бўлиб ўтган халқаро конференцияда “Таълим ҳамма учун” умумжаҳон декларацияси қабул қилинди.

Мамлакатимизда ўзи ҳаракатлана олмайдиган 23 минг нафар фуқаро ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки болалари қаровида эканлиги ҳисобга олиниб, жорий йил бошидан уларнинг 19 минг нафарига уйда ва 4 минг нафарига кундузги қатнов асосида қараш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Бу тажриба аввал Тошкент шаҳрида, йил якунига қадар эса вилоятларда йўлга қўйилди. Бундай хизматларни ихтиёрий равишда ўз зиммасига олган хусусий секторга оила харажатининг 80 фоизини давлат тўлайди.

БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида таълим олиш ҳар бир инсоннинг асосий ва ажралмас ҳуқуқи экани алоҳида эътироф этилган бўлиб, бу, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган, яъни махсус эътиборли инсонларга ҳам тегишли ҳисобланади. 1975 йилда БМТ томонидан қабул қилинган Ногирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция алоҳида эътиборли болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолат қилади. Конвенциянинг 23-бандида шундай дейилади: “Ногирон боланинг алоҳида эътиборларини аниқлаб, унинг ижтимоий ҳаётга қўшилиши ва шахс сифатида ривожлана олишига етакловчи восита ҳисобланган таълим олишга ҳар томонлама ёрдам берилиши лозим”. Шу асосда 2002 йилда Буюк Британиянинг “Болаларни қутқаринг” (“Save the children”) жамғармаси томонидан “Мактаблар ҳамма учун” деб номланган ўқув қўлланмаси нашр этилди.

цияси қабул қилинди. Бу декларация дунёнинг 160 га яқин давлатлари ва 150 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари томонидан маъқулланди ва бу ҳар бир боланинг мукамал таълим олишини кафолат қилади.

Аслида ногиронлиги бўлган болалар қўллаб-қувватланган жамиятда уларнинг салоҳиятини таъминлаш ривожлантириш имконияти устувор бўлади. Бундай шароитда улар ижтимоий жамиятга мослашадиган бўлиб, ўзларини янада қулай ва хавфсиз ҳис этади. Улар ижтимоий масъулият даражаси юқори бўлган фаол фуқаро сифатида вояга етади.

2020 — 2025 йилларда инклюзив таълимни ривожлантириш концепцияси доирасида “таълим барча учун” тамойили асосида Ўзбекистон мактабларининг камиди 51 фоизини ана шу йўналишга ўтказиш режалаштирилган. Инклюзив таълимга жалб этилган ўқитувчи ва ўқувчилар учун 9 номдаги дастур ҳамда ота-оналар учун 5 номдаги методик тавсиялар, инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим мактабларининг бино ва жиҳозларига қўйилмаган талаблар ишлаб чиқилди.

Инклюзив таълим ташкил этилган умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 2250 нафар мактаб директори, бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда психологлари 72 соатлик ўқув курсида ўқитилди. Соҳани янада ривожлантириш, уни кенг жорий этиб бориш борасида халқаро ташкилотлар ҳамда Буюк Британия, Япония, Финляндия каби ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда 24 нафар ментор тайёрлаб, инклюзив таълим жорий этилган мактабларнинг 285 нафар бошланғич синф ва махсус педагог, психологлари, раҳбарлари учун ўқув семинарлари ҳамда тренинглари ўтказилди. Алоҳида таълим эътиборли бўлган қар ва заиф эшитувчи болаларни инклюзив таълимга жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги тажриба-синов майдончалари сифатида ташкил қилинадиган битта пилот умумтаълим мактаби танланди.

Таълим олиш имкониятларининг барча учун тенг ҳуқуқли тарзда амалга оширилишини назарда тутувчи инклюзив таълим шакли дунё ҳамжамиятига юзланаётган Ўзбекистонда ҳам босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Инклюзив таълимни бутун мамлакат бўйлаб раванқ топтиришга қаратилган ислохотлар бунга амалий мисолдир.

Рўзбек ТўРАЕВ,
Мақтабача ва мактаб таълим вазирлигининг
Инклюзив таълим ва меҳрли мактаб фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи.

Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган давлат дастури лойиҳасида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 5 та устувор йўналиши бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйиҳати ва ҳар бир йўналиш кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилган.

ЯГОНА РАҚАМЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Давлат дастури тўртинчи йўналишининг амалий чора-тадбирлар лойиҳасининг 29-бандида ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя этишга йўналтириш мақсадида автомобиль йўларида транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатлишини таъминлаш назарда тутилган. Бунда республика бўйича барча тартибга солинган чораларга интеллектурал транспорт тизимларини ўрнатиш ва ягона рақамли бошқарув тизимини жорий қилиш белгиланган. Бу чора-тадбирларнинг давлат дастури лойиҳасида илгари сурилиши бежиз эмас. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жиддий оқибатлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини камиди 50 фоизга камайтиришга эришиш вазифаси белгиланган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2023 йилда содир этилган 9 839 та йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 9 209 нафар фуқаро жароҳатланган ва 2 282 нафар фуқаро нобуд бўлган. Энг ачинарлиси, 2023 йилда болалар билан боғлиқ 1 794 та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, уларда 1 568 нафар бола жароҳатланган ва 263 нафар бола ҳаётдан қўз юмган.

Шу сабабли интеллектурал транспорт тизимларини ўрнатиш ва ягона рақамли бошқарув тизимини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳайдовчилар, пиёдалар ва транспорт тизимлари учун хавфсиз, самарали ва экологик тоза муҳит яратиш долзарб масалага айланди. Бундай шароитда интеллектурал транспорт тизимлари йўл ҳаракатини бошқаришнинг замонавий ечимларидан бири ҳисобланади.

Интеллектурал транспорт тизимлари, бу — замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда йўл ҳаракатини бошқариш, хавфсизлигини ошириш ва транспорт инфратузилишини самарали фойдаланишга

қаратилган тизимдир. Бу тизимлар йўловчилар, ҳайдовчилар ва транспорт хизмати-ни кўрсатувчи ташкилотлар учун бир қатор қулайликлар яратишни мақсад қилади.

Биринчидан, интеллектурал химоя этишга йўналтириш мақсадида автомобиль йўларида транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатлишини таъминлаш назарда тутилган. Бунда республика бўйича барча тартибга солинган чораларга интеллектурал транспорт тизимларини ўрнатиш ва ягона рақамли бошқарув тизимини жорий қилиш белгиланган. Бу чора-тадбирларнинг давлат дастури лойиҳасида илгари сурилиши бежиз эмас. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жиддий оқибатлар билан боғлиқ й

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз натижаларини бермоқда. Кўплаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари ҳамда бошқа мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётгани, қолаверса, қабул квоталари бир неча мартаба оширилгани, ёшларга, педагогларга катта имконият ҳамда имтиёзлар берилганлиги, бунёдкорлик ишларининг ўсгани ҳам шундан далолат, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари туфайли эришилаётган ютуқлар замирида Ватанимиз илм-фанини ривожлантириш, олий ўқув юртлири фаолиятини тубдан янгилаш, малакали ўқитувчи-профессорлар корпусини шакллантириш, таълим жараёнларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш ва малакали мутахассислар етказиб беришдек улғувур вазифалар ижроси турибди.

Нуктаи назар

Бундай ютуқларни Наманган давлат университети мисолида ҳам келтириш мумкин. Ўтган йил университетимиз жамоаси учун салмоқли ютуқ ва натижаларга бой бўлди. Йил давомида олий таълим тизимидаги ислохотлар моҳиятидан келиб чиқиб, ўқитиш жараёнини халқаро талаблар даражасига олиб чиқиш, илмий салоҳиятни юксалтириш, малакали мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқот ишлари сифати ва самардорлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратилди.



Айни пайтда олий таълим муассасамизда 18,5 минг нафарга яқин талабалар тахсил олмақда. Мавжуд кафедраларда 610 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар асосий штатда фаолият кўрсатяпти. Университет илмий салоҳияти эса йил сайин ошиб бораётди. Бу, ўз навбатида, хориж давлатларининг нуфузли олий ўқув юртлири билан ўзаро ҳамкорлик қўламини янада кучайтирди, десак, айни ҳақиқат.

Жумладан, чет эллик ёшларнинг университетимизда тахсил олиш истаги кучаймоқда. 2024/2025 ўқув йилида хорижий талабалар сони ўтган ўқув йилларидан нисбатан 3 марта ортди. Бу ҳам, албатта, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларидан бирида кўрсатиб ўтилган вазифалар ижросини таъминлаш, соҳани рақамлаштириш ишларини янада жадаллаштириш бўйича 30 дан ортиқ контентларга эга "Open-Science Platform" (Очиқ илм-фан платформаси) ишга туширилди. Мазкур платформанинг рақамли кутубхона модули нафақат университет ходимлари ва талабалари, балки ушбу тизимга кирувчи барча учун очиқ бўлиб, у ердаги мақола, монография, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмаларни "namdu.uz" рақамли кутубхонасидан олишлари мумкин.

Шунингдек, рақамли технологияларни кенг жорий этишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Замонавий IT-парк ташкил қилиниб, у 44,1 минг АҚШ доллари қийматидаги махсус конфигурациядаги компьютер қурилмалари билан жиҳозланди. Бу ерда тахсил олувчилар учун алоҳида 30 ўринли

Study", "Venn Akademiyasi", "Asibz" каби ташкилотлар билан шартномалар имзоланди. Унга кўра жорий ўқув йили якунига қадар 200 нафар, 2025/2026 ўқув йилида 600 нафар талаба Германия, Япония, Хорватия, Греция, Болгария каби давлатларда малакавий амалиёт ўташ имкониятига эга бўлади. Натижада университет битирувчилари юқоридаги давлатларнинг ташкилот ҳамда корхоналарида ўз мутахассислиги бўйича ишга кириш имкониятини ҳам қўлга киритади.

Президентимизнинг тегишли қарорларида берилган имкониятлар натижасида ўтган йили университетимизнинг 3-ўқув биноси талабаларнинг сифатли таълим олиши ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан капитал таъмирланди. Ўқув хоналари тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш мақсадида қайта оптималлаштирилди. Таълим жараёни эҳтиёткорлик билан қарийб 1,0 млрд. сўмлик амалиёт ва ўқув-клиник машғулотлари учун фойдаланиладиган симуляцион муляжлар тўпламлари билан жиҳозланди.

Биода очила-жақ замонавий лабораторияларда бакалаврият, магистратура мутахассисликлари билан биргаликда таянч докторантлар учун илмий тадқиқотларни олиб боришга шaroит яратилди. Бу эса университетга ўқишга кирган ҳар бир ёш учун таълим босқичлари узвийлигини таъминлаб, бакалавриятдан бошлаб олий таълимдан кейинги таълимга бўлган фаолиятни амалга оширишга имкон беради.

Шу йилнинг биринчи чорагида эса Шинжон Экология ва география институти (ХХР) билан ҳамкорликда таълим жараёнларининг амалиёт билан бевосита интеграциясини таъминлаш мақсадида 8 та (алкология, биотехнология ва микробиология, биокимё ва молекуляр биология, ботаника, зоология) ўқув ҳамда илмий лабораторияларини ташкил этиш ишлари якунланади. Ушбу лабораториялар таълим сифатини янада ошириш билан бир қаторда, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида биохиммаҳиликни муҳофаза қилиш ва ресурслардан барқарор фойдаланиш, иқлим

ка, Биология, Математика кафедраларининг илмий салоҳияти ушбу кўрсаткичдан ошди.

Жорий йилда Биотехнология, Ўзбек тили ва адабиёти, Ижтимоий фанлар, Мактабгача ва бошланғич таълим методикаси, Педагогика кафедраларининг илмий салоҳиятини ҳам белгиланган кўрсаткичга етказиш режалаштирилган. Қолаверса, диссертация химоялари сонини ўтган йилдаги нисбатан 1,5 баробарга ошириш назарда тутилган.

Айтиш керакки, ўтган йилда қиймати 3,7 млрд. сўмни ташкил этувчи учта халқаро қўшма, битта тижоратлаштириш ва иккита стартап лойиҳалари бажарилди. Бу — 2023 йилдаги нисбатан 2,2 млрд. сўм кўп, дегани. 2025 йилда бундай лойиҳалар сонини 2 баробарга ошириш учун янги лойиҳалар шакллантириш ва танловларда иштирок этиш мўлжалланган.

Мисоллар билан айтганим бўлсақ, университетимизнинг илмий ишлаб чиқариш лабораторияларида сабзавот ва ноанъанавий хомашёлардан цукатлар ишлаб чиқариш ҳамда пўлат симларни қўзиш учун композит материаллар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, ўтган йили 200 млн. сўмлик маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилди. Бу борадаги ишлар ҳамини янада ошириш мақсадида университетимиз лабораторияларида ишлаб топилган маблағлар ҳисобига 60 млн. сўмлик қўзиш ускунаси, 49 млн. сўмлик қадқоқлаш ускунаси олиб келиб ўрнатилди.

Иқтидорли талабаларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга йўналтириш мақсадида ўтган йили кўплаб илмий семинар ҳамда ўқув машғулотлари, илмий-инновацион кўргазмалари, "Ёшлар академияси" форуми ўтказилгани кўзланган мақсадларга эришишда туртки бермоқда.

Дарвоқе, ҳудудларда экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида қарийб 10 гектар майдонда яшил инновацион — "Экобоғ" яратишга қўл урилди. Боғ ҳудудида дунёнинг бешта минтақасида ўсувчи 86 турдаги 1 500 туп ноёб дарахт ва бута, 3 минг тупдан ортиқ манзарали гуллар экилди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтган йилда университет ҳудудида 8 200 туп дарахт ҳамда бута қўчати қадалди. Жорий йилнинг январь-февраль ойларидан яна икки гектар майдонда "Экобоғ" ташкил этилади.

Ўтган йилда эришилган натижалар ҳақида яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Албатта, ютуқлар ўзимизники. Олдимизда эса жорий йил учун тузилган аниқ мақсад ҳамда режалар турибди. Улар ижросини таъминлаш орқали университет нуфузи ва салоҳиятини янада ошириш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Собитхон ТУРГУНОВ,
Наманган давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

19 та медаль — ўқувчиларимиз муваффақияти!

13 — 17 январь кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида математика, физика ва информатика фанларидан 21-халқаро Жаутиков олимпиадаси бўлиб ўтди.



Дунёнинг 20 та мамлакатидан 700 га яқин ўқувчилар иштирок этган ушбу олимпиадада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам қатнашиб, зўр муваффақиятга эришди. Яқуний натижаларга кўра, ҳамюртларимиз 2 та олтин, 5 та кумуш ва 12 та бронза — жами 19 медални қўлга киритди.

Маълумот учун, Ўзбекистон терма жамоаси ўтган йили ушбу олимпиадада жами 14 медалга эгалик қилганди.

Музейда ноёб экспонатлар

Фахриддин Содиковнинг бой ижодий мероси ва шахсий буюмлари Ўзбек миллий мақом санъати маркази музей фондиди бойитишда давом этмоқда.

Яна бир қатор қимматли экспонатлар музейга топширилди. Улар орасида Уста Усмон томонидан 1963 йилда Фахриддин Содиков учун махсус ясалган дутор, Юнус Ражабий қаламига мансуб "Ўзбек халқ мусиқаси" ва "Шашмақом" китоб жамламаларининг тўлиқ жилдлари, шунингдек, ноёб суратлар асл хўлатда тақдим этилган.

Мазкур тарихий экспонатлар Ф. Содиков ижодини қўлиб ўрганиш, миллий мусиқа меросини кенг тарғиб қилиш ва келажақ авлодга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиёдаги энг қадимий металл қуроқлар

Ўзбекистондаги Ислон цивилизациясидан хабар беришларича, Бухоронинг Қорақўл туманидаги Пойкент масканидан миллоддан аввалги I ва миллоднинг I — IV асрларга оид қуроқ-аслаҳалар топилди.



Қазиш ишлари давомида ибодатхона маросимларида қўлланилган қўнғироқлар ва исирикдонлар топилди. Бу буюмлар эраимиздан аввалги I аср ва эраимизнинг I асрига тегишли бўлиб, сақлар ҳамда массагетлар давридан қолган. Реставраторлар ушбу топилмаларни асл ҳолатига келтириш устида ишламоқда.

Бундан ташқари, узунлиги 13,7 метр бўлган катта зал ёки ҳовли атрофида супалар ҳам топилган. III-IV асрларда у қўшни ибодатхонадан пастда жойлашган, шунинг учун унга шимол томондан 12 поғонали, кенглиги 3,4 метр зинапола ва пандус тушган.

Археологик топилмалар сайёҳларнинг диққатини жалб қилиш билан бирга, юртимизнинг бой тарихи ҳақида чуқурроқ тасаввур беради.

Ногиронлиги бор шахслар учун машғулот базаси

Бўстонлиқ туманидаги "Қоронкул" МФЙ, Хўжакент қишлоғи ҳудудидан 50 гектар ер майдони адаптив спорт турлари билан профессионал шугулланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун машғулот базаси барпо этиш мақсадида ажратилди.

Ушбу база Президентнинг "Ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб этиш орқали жисмоний раёбилитация қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилаётди.

Маълумот учун, виллоятда 14 та параспорт тури билан шугулланишга шaroит яратилган. 500 нафарга яқин ногиронлиги бўлган шахслар спорт билан мунтазам шугулланиб келмоқда. Бу борадаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган. Хусусан, давлат спорт мактабларида адаптив спорт бўйича гуруҳлар ташкил этиш, маҳаллардаги майдончаларни ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам мослаштириш шулар жумласидан.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони бўлим мудири Шоасор Фуломовга падаври бўзруквори

ШОФИЁС отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҚИЗГИН ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Анджон шаҳридаги универсал спорт мажмуасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати якунига етди.



Спорт

Бир ҳафта давом этган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча виллоятлар жамоалари таркибидан 850 нафар ёш шахматчи 6 та — 7, 9, 11, 13, 15 ва 17 ёш тоифасида голиблик учун баҳс олиб борди.

Швейцар тизимида рапид, стандарт, блиц йўналишларида 7 тур доирасида ўтказилган чемпионат ўйинлари қизгин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри жамоаси фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин Самарқанд виллояти, учинчи ўрин эса Анджон виллояти жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ҳамда совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом, тегишли медаль ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР НУКУС КЎЧАЛАРИДА



Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасидаги ишларнинг давоми сифатида Нукус шаҳрига Хитой давлатидан 12 донга замонавий автобус олиб келинди.

Қулайлик

Маълумотларга кўра ушбу шаҳарда жами 15 та автобус йўналиши ташкил этилиб, бунинг учун 188 та автобус олиб келиш режалаштирилган. Айни пайтда фойдаланишга топширилган автобуслар бу борадаги янги йўналиш-

ларнинг дастлабки ҳисобланади.

Бундай замонавий автобуслар жамоат транспорти жозибдорлигини янада ошириб, хизматлар сифатини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон делегацияси Австрияда ўтказилаётган энг йирик халқаро тадбирлардан бири — «Ferien Messe Wien» сайёҳлик кўргазмасида иштирок этмоқда.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Норқулов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6